# ЭКОНОМИКАНИНГ СТРАТЕГИК ВОСИТАСИ

(Боши биринчи бетда).

Шунга асосланиб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўзларининг куч-ғайратларини бирга қўшиш ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида бешта энг муҳим йўналиш: халқ хўжалигини электронлаштириш; комплекс автоматлаш; атом энергетикаси; янги материаллар ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш технологияси; биотехнология соҳасидаги мустаҳкам комплекс ҳамкорликни ташкил этиш йўли билан техника ва технологиянинг принципиал янги турларини яратиш ва улардан фойдаланишга оид келишиб олинган ҳаракатлар ҳақида бир битимга келдилар.

Фан, техника ва ишлаб чиқаришдаги замонавий революцион силжишлар асосидаги шу йўналишлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган ўзаро қизиқишга сазовор соҳаларда келишиб олинган фан-техника сиёсатини, манфаатдор мамлакатларнинг эса ягона фан-техника сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун негиздир.

Шу битимни мустаҳкамлаш ҳамда уни амалга ошириш соҳасида биргаликдаги ҳаракатларни ташкил этиш учун миллий программалар асосида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача бўлган фан-техника тараққиёти Комплекс программаси ишлаб чиқилди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар бу программани амалга ошира бориб, фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларида фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг энг юксак даражасига эришишдан иборат чинакам революцион вазифани қўймоқдалар. Бу вазифанинг ҳал этилиши Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда умуман 2000 йилгача ижтимоий меҳнат унумдорлигини камида икки баравар оширишга ҳамда миллий даромад бирлигига энергия ва хом ашё сарфи улушини кескин камайтиришга кўмаклашади. Натижада капитализм билан тинч мусобақада социализмнинг позициялари анча мустаҳкамланади.

Фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари жамият томонидан тартибга солинишга ва контролликка ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож эканлиги ҳужжатда таъкидланади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар қуролланиш пойгаси, аввало ядровий қуролланиш пойгаси, космосни ҳарбийлаштириш, физика, химия, биологиядаги энг янги кашфиётлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга уринишлар бутун инсоният учун, ҳар бир киши учун олдиндан айтиб бўлмайдиган айниқса оғир оқибатларга олиб келишига, бу эса цивилизациянинг, ер юзидаги ҳаётнинг ҳам ҳалокатига олиб бориши мумкинлигига эътиборни қаратадилар.

Шу сабабли Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ердаги шундай пойгани тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун, фан, техника ва технологиядаги революцион силжишлардан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишда энг кенг халқаро ҳамкорлик учун қатъият билан курашмоқдалар.

Ўзаро боғлиқ битимлар ва шартномалар системасида баён этилган программа Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги фан-техника кооперациясининг аъзоси, ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш ҳамда социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг ташкил этувчи етакчи негизларидан бири бўлиб қолади, фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ихтисослашув ва кооперацияни кенг ривожлантиришга ҳамда ташқи савдонинг ўсишини жадаллаштиришга кўмаклашади.

Комплекс характерга эга бўлган программада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар кучлари ва воситаларини энг асосий соҳаларга бирлаштиришнинг конкрет қўшма йўллари белгиланган, бу соҳаларнинг жадал ривожлантирилиши бутун экономикани интенсивлашнинг ҳамда фан-техника тараққиёти бутун жабҳаси бўйлаб энг юксак даражага эришишнинг, XXI асрнинг янги технология даврига кириб боришнинг белгиловчи омилидир.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш аввало ҳозирги фан-техника революциясининг бешта энг муҳим йўналишини тез ривожлантиришга асосланади. Шу йўналишлар доирасида ўз навбатида фан-техника тараққиётининг олдинги марралари белгиланади, программа ҳам асосан мана шу марраларга эришишга қаратилган.

Олдинги марралар ҳам ўз тажрибамизни, ҳам жаҳон тажрибасини, шунингдек биргаликдаги илмий-техникавий прогнозларнинг натижаларини умумлаштириш асосида белгиланган. Ҳозир Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг барча энг муҳим йўналишларидаги ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодирдирлар.

Шу йўналишларда назарий заминни таъминлаш учун фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тадбирлари кўрилади.

Меҳнат унумдорлигини тубдан оширишнинг, ресурслар, материаллар ва энергияни тежашнинг, халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, илмий тадқиқотлар муддатларини кескин қисқартиришнинг, ноишлаб чиқариш соҳасини сифат жиҳатдан қайта қуришнинг асослари бўлмиш ҳисоблаш техникасининг энг янги воситалари билан ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини кенг миқёсда таъминлаш қардош мамлакатларнинг халқ хўжалигини электронлаштириш соҳасидаги ҳамкорлигининг асосий мақсадидир.

Шу мақсадга эришиш учун биринчи галдаги вазифалар қаторида сунъий интеллект принципларидан, ҳисоблаш техникасининг оммавий воситаларидан, рақамли ахборот узатиш ягона системасидан фойдаланиб, секундига ўн миллиарддан ортиқ операция бажара олиш тезлигида ишлайдиган янги туркум супер ЭҲМларни, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий системаларида фойдаланиладиган тезкор тола-оптик алоқа воситаларини, олис масофаларга хабар ва телевизион программалар узатилишини таъминлайдиган йўлдош алоқа системалари ва телевизион эшиттириш янги туркумини, микроэлектрониканинг янги ютуқлари асосида жуда турли-туман приборлар, датчиклар, контрол-ўлчов воситаларини, электрон техника буюмларининг унификация қилинган ягона системасини яратиш белгиланди. Программани амалга ошириш йўли билан миллий даромадни, фаолиятнинг барча соҳаларидаги меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг ўртача йиллик суръатларини анча оширишга, маҳсулот тайёрлаш учун ишлатиладиган материал, энергия улушини 1,5—2 баравар камайтиришга эришиш кўзда тутилмоқда.

Илмий, лойиҳалаш ва конструкторлик фаолияти соҳасида ахборот-ҳисоблаш системаларини қўлланиш илмий программаларни ва инженерлик-техникавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муддатларини 2—3 баравар қисқартириб, айни вақтда уларнинг сифатини ошириш ва бу ишларни бажариш чиқимларини анча камайтириш имконини беради.

Кадрларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, аҳолига медицина ва коммунал-маиший хизмат жараёнларининг самарадорлиги ошади.

Халқ хўжалиги тармоқларини кенг миқёсда комплекс автоматлаштириш, жумладан мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришларни, ротор-конвейер линияларни, саноат роботларини, бошқарув системалари жойлаштирилган автомат ускуналарни, прецизион ускуналарни, юксак даражада аниқ ўлчов техникасини, технология жараёнлари ва технология ускунларининг, айниқса прецизион ускуналарнинг ишини контрол қилувчи автомат воситаларни яратиш ва жорий этиш, уларнинг тегишлича пишиқ-пухталигини таъминлаш, шунингдек интеграциялашган системалардан кенг фойдаланиш Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иккинчи энг муҳим йўналиш соҳасидаги ҳамкорлигининг асосий мақсадидир.

Шу мақсадга эришиш учун аввало турли вазифаларни ўтайдиган, тез қайта қуриладиган ва мослашувчан ишлаб чиқаришни автоматик тарзда лойиҳалаштирадиган ва технологик жиҳатдан тайёрлайдиган системаларни, халқ хўжалиги тармоқлари учун саноат роботлари ва манипуляторларни, ўта прецизион ускуна ва приборлар, унификация қилинган комплектлаш буюмлари, механик, гидравлик, пневматик, электротехник, электрон ва бошқа компонентларни ишлаб чиқарадиган автомат технологияларни, кўтарма-транспорт, юк ортиш-тушириш ва транспорт-омбор ишларини автоматлаштирадиган техника воситаларининг унификацияланган сафларини, чиқитларни қайтадан ярокли ҳолга келтирадиган воситаларни, саноат роботлари ва мослашувчан ишлаб чиқариш модуллари учун турли-туман датчикларни яратиш вазифалари қўйилмоқда.

Программани рўёбга чиқариш йўли билан буюмларни лойиҳалаш ва тайёрлаш чиқимларини тахминан 1,5 баравар камайтириш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда тайёрланаётган агрегатлар ва модулларнинг бир-бири билан кенг миқёсда алмашинадиган бўлишини таъминлаш, уларни тайёрлашдаги меҳнат сарфини 2 баравар камайтириш мўлжалланмоқда.

Мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш системаларини яратиш ва уларни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалигига кенг жорий этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини анча оширади, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш муддатлари ва чиқимларини 1,5—2 баравар камайтириш, меҳнат унумдорлигини 2—5 баравар ошириш имконини беради.

Қардош мамлакатларнинг атом энергияси соҳасидаги ҳамкорлиги бош мақсади — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар энергетика хўжаликларини сифат жиҳатидан чуқур қайта қуришдан, электр таъминоти самарадорлиги ва пухталигини оширишдан, органик ёқилғи ишлатишни камайтиришдан, шаҳарларни иссиқлик билан таъминлашни яхшилашдан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан ва энергияни оқилона ишлатишдан иборат.

Бу мақсадга эришиш учун, жумладан, биргаликдаги куч-ғайратлар билан техникавий-иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган сув-сув типидаги ВВЭР—440 ва ВВЭР—1000 реакторлари ўрнатиладиган атом электр станцияларини такомиллаштириш ва келгусида қуришни давом эттиришни, табиий урандан фойдаланишни яхшилашни, радиоактив чиқитларни қайта ишлаш, ташиш ва кўмиб ташлашнинг янги, самарали усуллари ва воситаларини яратишни, граждан ва саноат объектларини иситиш ва электр билан таъминлаш ҳамда иссиқликни олис масофаларга юбориш учун атом иссиқлик электр станцияларини яратишни, тез нейтронлар асосидаги реакторлар учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборат вазифалар қўйилмоқда.

Программанинг амалга оширилиши Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг энергетика потенциалини ошириш проблемасини кўп жиҳатдан ҳал этади, саноатнинг ёқилғи қазиб чиқарадиган тармоқларига капитал маблағ сарфлашни камайтиради, камчил органик ёқилғиларнинг анчагина қисмини бошқа эҳтиёжлар учун бўшатиб беради, ядро энергетикасининг ресурс базасини кенгайтиради.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлиги одатдаги материалларга нисбатан занг ва радиацияга бардошлилиги, иссиққа чидамлилиги, сийқаланмаслиги ва шу каби қимматли хусусиятларга эга бўлган материалларнинг принципиал янги турларини халқ хўжалигига, аввало саноатга кенг жорий этишга, шунингдек уларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов беришнинг саноат технологияларини яратишга ҳамда шу асосда машинасозлик ва халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини жадал ривожлантиришга, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар маҳсулотининг жаҳон бозоридаги рақобат қила олиш қобилиятини таъминлашга ҳам қаратилган.

Янги, юксак даражада пухта, зангга бардошли ва иссиққа чидамли композицион ҳамда керамик материалларнинг хилма-хил турларини ишлаб чиқарадиган саноатни барпо этиш, ичдан ёнар керамик двигателни яратиш, кўпгина соҳаларда қўлланиладиган янги пластмассаларни жорий қилиш, қора ва рангли металлар асосида кукун металлургияси усулларидан фойдаланиб сийқаланмайдиган ва бошқа турдаги янги материалларни яратиш, кристалланмаган ва микрокристалл материалларни ишлаб чиқиш ҳамда яратиш, микроэлектроника учун янги ярим ўтказгич материалларни яратиш, пўлатни узлуксиз қуйиш технологиясини такомиллаштириш ва уни печсиз ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш, технология лазерлари туркумини яратиш, пишиқлаштирадиган, сийқалантирмайдиган ва зангга чидамли қопламалар туширишнинг плазма, вакуум ва детонация технологияларини қўлланиш, юқори босим, вакуум, импульс таъсирлари ва портлаш энергияси қўлланиладиган технологияларни ишлаб чиқиш—биринчи галдаги вазифалар жумласига киради.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг биотехнологияни жадал ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлигининг асосий мақсади —аҳолининг оғир касалликлари олдини олишдан ва бу касалликларни самарали даволашдан, озиқ-овқат ресурсларини кескин кўпайтиришдан, халқ хўжалигини хом ашё ресурслари билан таъминлашни яхшилашдан, қайта тикланадиган янги энергетика манбаларини ўзлаштиришдан, чиқитсиз ишлаб чиқаришларни янада ривожлантиришдан ва атроф табиий муҳитга зарарли таъсирларни қисқартиришдан иборат. Жумладан, медицина учун, янги, биологик жиҳатдан актив моддалар ва дори-дармонларни, ўсимликларни касалликлардан ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг микробиологик воситаларини, бактериал ўғитлар ва ўсимликларнинг тез ўсишига кўмаклашувчи моддалар, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширадиган қимматли озуқа қўшимчалари ва биологик актив моддаларни, озиқ-овқат, химия, микробиология саноатида ва саноатнинг бошқа тармоқларида фойдаланиладиган, хўжалик жиҳатидан қимматли маҳсулотларни ҳосил қилишнинг янги биотехнологияларини, қишлоқ хўжалиги, саноат ва шаҳар чиқитларини ҳар жиҳатдан самарали қайта ишлаш биотехнологияларини яратиш ва халқ хўжалигида уларни кенг ўзлаштириш биринчи галдаги вазифалар сифатида белгиланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар программани биргаликда изчил амалга оширишни муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифа деб ҳисоблайдилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар программанинг энг муҳим йўналишларини ҳеч кечиктирмай «фан-техника—ишлаб чиқариш—реализация» жараёнининг ҳамма босқичларини комплекс тарзда қамраб оладиган конкрет битимлар ва шартномалар тилига кўчиришга, шу мақсадда заруратга қараб амалдаги битимларга аниқлик киритишга қарор қилдилар. Томонларнинг қабул этган мажбуриятлари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалик планларини мувофиқлаштириш вақтида, шунингдек ҳар бир мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларида эътиборга олинади.

Ўзаро Иқитисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари яқин беш йилликка мўлжалланган программани амалга ошириш юзасидан ўзлари қабул этган мажбуриятлар уларнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган планларига киритилади, деб келишиб олдилар. Келгусида томонларнинг таклифлари асосида олинган социал-иқтисодий ва илмий-техникавий натижаларни, жаҳон фани, техникаси ва ишлаб чиқаришидаги янги ютуқларни, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигининг актуал вазифаларини эътиборга олиб, томонларнинг таклифлари асосида программага вақти-вақти билан аниқликлар ва қўшимчалар киритиб турилади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар программада кўзда тутилган ҳамкорликка оид тадбирларни зарур моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар.

Энг муҳим проблемалар юксак техникавий даража ва сифат учун, топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилиши учун, шунингдек қатнашувчи томонлар белгиланган тартибда кўриб чиқадиган битимлар, шартномалар ва бошқа таклифларнинг лойиҳалари тайёрланиши учун масъулбўлган бош мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг ташкилий мутасаддилиги остида ишлаб чиқилади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар конкрет икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ҳамда шартномаларда қабул этилган қоидалар асосида мамлакатларнинг корхоналари, бирлашмалари ва фан-техника ташкилотлари ўртасидаги бевосита муносабатларни ривожлантирадилар, бу эса программани амалга ошириш учун ҳамкорликни ривожлантиришнинг самарали йўли бўлади.

Манфаатдор мамлакатлар энг муҳим проблемаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида заруратга қараб янги техника, технологиялар ва материаллар яратиш ҳамда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи қўшма фан-техника ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, халқаро инженерлик ва технология марказлари, кадрларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари, шунингдек бошқа қўшма корхоналар ҳамда халқаро фан-техника коллективлари ва лабораторияларини тузадилар.

Программани кадрлар билан таъминлашга эътиборни кучайтириш зарур деб топилди. Шу мақсадда манфаатдор томонлар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан келишиб олинган тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар программанинг энг муҳим йўналишларини норматив-техника ва метрология воситалари билан таъминлаш соҳасида биргаликда иш олиб борадилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган ҳар бир мамлакат истаган вақтида ҳамкорликнинг программада кўзда тутилган айрим тадбирларида кенгашда қатнашувчи мамлакатлар билан келишиб олинган шартлар асосида қатнашишдан ўзининг манфаатдор эканини изҳор этиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳужжатда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши программани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг асосий масалаларини мунтазам равишда кўриб боради ва программани янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб туради, деб таъкидланади. **(ТАСС).**

# СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ АКАДЕМИК А. П. АЛЕКСАНДРОВНИНГ

## ТАСС мухбири саволларига жавоблари

САВОЛ. БМТ Бош Ассамблеясининг 40-сессиясида космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштиришда халқаро ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилди. Унинг якунларига қандай баҳо берасиз?

ЖАВОБ. Менинг фикримча, ҳозирги дунёда давлатларнинг энг мўътабар йиғилиши бўлмиш БМТ Бош Ассамблеяси космик фазони тинч, ундан кишиларнинг манфаатлари йўлида бемалол фойдаланиш учун ҳоли сақлаш проблемасига катта эътибор берганлиги муҳим ва табиийдир. Тарих тақозоси шундай бўлдики, фан ва техниканинг тобора юксак марраларини эгаллаб борган инсоният ҳозирги кунларда космосга улкан сакраш қилиш бўсағасига яқинлашди ва космос сари олиб борадиган йўл одамнинг бутун тараққиёт босқичларида уни таъқиб этиб келган можаро ва урушлар силсиласининг эндиликда космик кўламдаги давоми бўлиб қоладими ёки космик фазо тинч ижодий ва бунёдкорлик фаолиятининг чексиз жабҳаси бўлиб қоладими деган жумбоқ рўпарасида турибди. Бу фаолият инсониятни коинотни бекиёс, янада юксак даражада билишга, ундан ўз фаровонлиги йўлида амалий фойдаланишга олиб борувчи интеллектуал, техникавий, иқтисодий куч-қувватларини бирлаштиради. Ақл-идрок инсониятни албатта шу иккинчи йўлга бошлайди. Зеро, космосга ҳарбий мақсадда чиқиш пировард натижада она-Ер цивилизациясининг ўзини йўқ қилиб юбориши мумкин.

БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида жаҳон ҳамжамияти чиқарган хулоса — ақл-идрок фойдасига чиқарилган хулосадир. Бош Ассамблея космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиши ва у қуролланиш пойгаси майдони бўлиб қолмаслиги керак, деган тўхтамга келди. Совет олимлари бу қарорни табриклайдилар.

САВОЛ. Космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланишдаги ҳамкорлик механизми конкрет тарзда қандай бўлишини бирмунча муфассалроқ айтиб бера олмайсизми?

ЖАВОБ. Аввало шунга эътиборни жалб қилмоқчиманки, бундан ўттиз йиллар аввал (тарих учун бу жуда оз муддатдир) космосга чиқишнинг ўзи инсоният учун фантастика бўлиб туюлган бўлса, бугунги кунда унинг энг илғор кучлари космосни тинчлик мақсадларида кенг кўламда ўзлаштиришга ўтиш, бу ишда давлатларнинг янги ҳамкорлик механизмларини яратиш масаласини ўртага қўймоқда. Шу муносабат билан М. С. Горбачевнинг Нобель мукофоти лауреатлари конгресси делегацияси билан учрашуви менда чуқур таассурот қолдирди. Шу учрашувда бошқа олимлар билан бирга иштирок этганлигим илм-фан ютуқлари космосни тинчлик мақсадларида ўзлаштириш практикасига жорий этилишини сезишимга имконият берди. Совет Иттифоқидек буюк космик давлат «самовий урушлар» телбалигига қарши ҳамма халқларга таклиф этаётган истиқболли ва айни маҳалда реал сезиладиган тадбирлар кўпчиликни ром қилди.

Мувофиқ механизм тўғрисида гапирадиган бўлсак, космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш, ундан фойдаланиш халқаро ҳамкорлиги борасидаги Жаҳон космик ташкилотини тузиш амалий мақбул ва реал иш бўлур эди. Бунда космосга қурол чиқиб бориш йўлига пухта ғов қўйиш керак бўлади, албатта. Шу ташкилот давлатлар космосда тинч фаолият кўрсатишларида уларнинг ҳамкорлигини амалга оширишни мақсад қилиб қўя олур эди. Ташкилотнинг вазифалари конкрет нималардан иборат бўлиши мумкин?

Космик воситалардан фойдаланиш бугунги кундаёқ планетамиз аҳолисига наф келтириши мумкин. Масалан, алоқа йўлдошлари ҳар хил турдаги ахборот юборишни тубдан яхшиламоқда, планетамизнинг ҳар қандай регионида телевидение ва радиодан фойдаланиш имкониятини бермоқда. Ер сунъий йўлдошлари бўрон, цунами, соҳил зоналарида кўтарилган тўлқинлар остида қолиш каби табиий офатлардан огоҳлантиришда ёрдам бермоқда. У ҳар йили ўн минглаб кишининг ҳаётини сақлаб қолиши, хўжаликка етказиладиган улкан зарарларни камайтириши мумкин.

Космосдан туриб кузатиш об-ҳаво, ҳосил, қурғоқчилик, ҳар турли табиий офат прогнозлари аниқлигини анча оширади. Хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, анча-мунча маблағларни тежашга ёрдам беради. Космосдан туриб Ер юзининг тузилишини ўрганиш (масалан, пармалаш ишларини камайтириб, тежам беради), океанларда юз берувчи жараёнлар ва ҳодисаларнинг хусусиятларини ўрганиш (масалан, балиқчилик учун), ўрмонларда ёнғин чиқишини, ҳаводаги ва денгиздаги фалокатларни ва ҳоказоларни кузатиш ҳам шундай натижаларга олиб келади.

Жаҳон космик ташкилоти турли мамлакатларнинг илмий ва иқтисодий ресурслари базасида космик фазони ўрганиш ва космик техникадан фойдаланиш борасидаги халқаро лойиҳаларни амалга оширган бўлур эди. Бу ташкилот космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турган бўлур эди. Ҳозир ҳам бундай ташкилотлар бор.

Бу ташкилот космосни тадқиқ этиш ва ўзлаштириш натижасида олинган илмий ва техникавий ютуқларнинг натижаларидан барча давлатлар ўзаро манфаатдорлик асосида бемалол фойдаланишларига имкон берган бўлур эди. Бу ташкилот, шу жумладан, ҳали етарлича илмий-техникавий ва иқтисодий базаси бўлмаган ривожланаётган мамлакатларни космосни ўрганиш ва ундан фойдаланишга жалб этишда ва муҳимроғи — олинган амалий натижаларни шу мамлакатларни иқтисодий-илмий ва социал жиҳатдан ривожлантиришга кўмаклашишга ёрдам берган бўлур эди. Бу фаолиятнинг самаралари бебаҳодир.

Жаҳон космик ташкилотининг фаолияти булар билан тугамаслиги мумкин. Юқоридаги гаплардан кўриниб турибдики, унинг вазифалари хилма-хил бўлиши мумкин. У илм-фан учун ҳам, практика учун ҳам керакли ва фойдали ташкилот бўлур эди, деб ўйлайман.

Бу ташкилотни тузишнинг ўзи ижобий аҳамиятга эга бўлур эди. У космосга нисбатан тинчлик мақсадларининг ифодаси бўлиб қолар эди. Бу ҳам муҳимдир,

САВОЛ. Сизнинг фикрингизча, совет олимлари космосни тинчлик мақсадларида ўзлаштириш борасидаги халқаро ҳамкорлик ишига қандай ҳисса қўшишлари мумкин бўларди?

ЖАВОБ. Жиддий, салмоқли ҳисса қўшишларига аминман. Космосга биринчи бўлиб чиққан мамлакатимизнинг олимлари бунинг учун салмоқли илмий база ва амалий тажрибаларга эгадирлар. Биринчи қадамлардан бошлабоқ космосда эришган муваффақиятларимизга бутун инсониятнинг ютуқлари деб қараяпмиз. Биз шундай ҳамкорликни кенгайтириш ва такомиллаштириш учун ҳамиша курашиб келдик ва ҳозир ҳам шундай қиляпмиз. Амалий ишларимиз ҳам шуни кўрсатиб турибди, зеро, космосдан куч-ғайратларни бирлаштириб фойдаланиш осон, у олимларнинг бирлашган ақл-идрокига осон ён беради. Чунки космик воситалардан амалий фойдаланиш илмий тадқиқотларнинг тараққиёти билан бирга бориши керак. Олимларимиз, масалан, совет космик кемаларида халқаро экипажларни учиришга тайёрлаш ва шу учишларни амалга оширишда актив қатнашмоқдалар. Бу учишлар чоғида жиддий илмий экспериментлар ўтказилмоқда. Биз тўққиз мамлакат олимларини бирлаштирувчи халқаро илмий-техникавий комитет доираларида Венерани ва Галлей кометасини тадқиқ этяпмиз. Шунингдек, бир неча мамлакат олимларининг ҳамкорлигида совет биологик йўлдоши учирилдики, буни муҳим илмий эксперимент деб ҳисоблаймиз. Совет мутахассислари фалокатга йўлиққан кишиларни қутқариш билан шуғулланувчи «Коспас—Сарсат» халқаро экспериментида АҚШ, Франция, Канада ва Норвегия мутахассислари билан бирга қатнашмоқдалар.

Аммо космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик ишида эришилган шу ютуқлар нақадар муҳимлигига қарамай, уларни мен дастлабки қадамлар, деб атаган бўлур эдим. Йигирманчи аср охирининг кишиси бу соҳада анча кўп ишлар қилишга қодир. Бу соҳадаги истиқболлар ҳақиқатан ҳам космик истиқболлардир.

Бу гап космоснинг фундаментал тадқиқотларига ҳам тааллуқлидир. Космосга станциялар чиқариш практикаси анча кенгайтирилиши— бу сафар совет «Венера—15» ва «Венера—16» станцияларига ўхшаш планеталараро қўшма тадқиқот станциялари чиқарилиши, қўшма планеталараро космик кемалар учирилиши ҳам мумкин бўлур эди. Халқаро космик станцияларни яратиш, бошқа планеталарга қўшма экспедицияларни ташкил этиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрса бўлади.

Ишнинг яна битта томони муҳим: космосда ҳамкорлик қилиш жараёнининг ўзи янги идеяларни, илмий изланишнинг янги йўналишларини келтириб чиқарган бўлур эди. Шу билан фан ва техникани ривожлантиришга, ўз навбатида халқларнинг иқтисодий ва социал тараққиётига ёрдам бериш учун космосда эришилган ютуқлардан янада кенгроқ фойдаланишга қудратли бир омил бахш этиларди. Бу янги минг йиллик бўсағасида инсонга муносиб фаолият бўлур эди. Совет олимлари бу ишга тайёр. Биз бошқа мамлакатларнинг олимлари ҳам шундай тайёр туришларини хоҳлардик.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР 116-ТОШКЕНТ—ЧИЛОНЗОР САЙЛОВ ОКРУГИДАН ДЕПУТАТИ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ У. Умаровнинг депутатлик ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги шахсий аризаси муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«СССРда халқ депутатларининг статуси тўғрисида»ги СССР Қонунининг 10-моддаси асосида Миллатлар Советининг Ўзбекистон ССР 116-Тошкент — Чилонзор сайлов округидан депутати Учқун **Умаров**нинг ваколатлари муддатидан аввал тўхтатилган, деб ҳисоблансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1985 йил 19 декабрь.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР 112-ДЕНОВ САЙЛОВ ОКРУГИДАН ДЕПУТАТИ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ А. Каримовнинг депутатлик ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги шахсий аризаси муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«СССРда халқ депутатларининг статуси тўғрисида»ги СССР Қонунининг 10-моддаси асосида Миллатлар Советининг Ўзбекистон ССР 112-Денов сайлов округидан депутати Абдухолиқ **Карим**овнинг ваколатлари муддатидан аввал тўхтатилган, деб ҳисоблансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1985 йил 19 декабрь.

## СЕНГА МУНТАЗИРМИЗ, КИНОФЕСТИВАЛЬ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивалларининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиори остида яна уч қитъанинг экран усталари Тошкентга йиғиладилар. Кино арбобларининг тўққизинчи учрашуви келгуси йилнинг 20—30 май кунларида ўтказилади. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг 19 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда маълум қилинди.

Мажлисни ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова бошқарди.

Республика министрликлари, идоралари, ижодий союзлари раҳбарларининг анъанавий кино санъати байрамига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақидаги ахборотлари тингланди.

**(ЎзТАГ).**

# ОММАНИНГ МЕҲНАТ ҒАЙРАТИНИ ОШИРАЙЛИК

КПСС съездолди ҳужжатларида баён қилиб берилган партиянинг программавий қоидалари меҳнаткашларнинг сиёсий ва ижодий активлигини юксалтириб юборди, омма меҳнат ғайрати ўсишига қудратли манба бўлиб қолди.

18 декабрь куни Москвада бўлиб ўтган ВЦСПС пленумининг қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар. Касаба союз ташкилотларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш ҳамда меҳнат коллективларини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1986 йилги планини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш вазифалари муҳокама қилинди.

Доклад қилган ВЦСПС раиси С. А. Шалаев ва сўзга чиққанлар айтдиларки, бугунги кунда касаба союзларнинг бутун ташкилотчилик ва тарбиявий фаолияти партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини ҳамма чоралар билан жадаллаштириш йўлига мос келувчи янги, янада юксак даражага кўтарилмоғи керак. Съездолди социалистик мусобақаси мана шу ишнинг ўзагидир. 1985 йилги ва умуман ўн биринчи беш йилликдаги топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши, ўн иккинчи беш йилликнинг муваффақиятли бошланиши ҳамма участкаларда зарбдор ишлашга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Пленум мамлакатдаги меҳнат унумдорлигини ўстириш йиллик топшириғини камида 1 процент ошириб бажариш, бир йилда тежалган ресурслар ҳисобидан камида икки кун ишлаб бериш юзасидан мажбурият олган илғор коллективларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Пленумда меҳнат инзомини янада мустаҳкамлашга катта эътибор берилди.

ВЦСПС пленумининг қатнашчилари касаба союзларнинг аъзолари КПСС XXVII съезди шарафига зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақият билан бажарадилар, резервларни янада матонат билан излашни кенг қулоч ёйдирадилар, ўн иккинчи беш йилликда ишлар ғайрат билан бошланишини таъминлайдилар деб ишонч билдирдилар.

Пленум СССР касаба союзларининг 1986 йилги бюджетини маъқуллади ва 1986 йилги давлат социал-страхованиеси бюджетини тасдиқлади.

Ташкилий масалалар кўриб чиқилди. «Ленабамстрой» тресги монтажчи бетончиларининг бригадири бўлиб ишлаган КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Д. Казаков ВЦСПС секретари қилиб сайланди.

(ТАСС).

# РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНЛАРИ

ЧССР савдо министрининг биринчи ўринбосари Франтишек Хвала бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикасининг делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлди. Делегация СССР Савдо министрлигининг таклифига биноан мамлакатимизга келган эди. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар. Самарқандга сафар қилдилар, универсал магазинларнинг иши билан танишдилар.

19 декабрь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов ЧССР делегациясини қабул қилди.

(ЎзТАГ).

